

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САФАРОВ ИБРОҲИМ ВАЛИЕВИЧ

**БИОДИЗЕЛЬ ОЛИШ УЧУН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮҚОРИ
МАҲСУЛДОР ЛИПИД ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ МИКРОСУВЎТЛАРИ ВА
УЛАРДА ЁҒ БИОСИНТЕЗИ РЕГУЛЯЦИЯСИ**

03.00.12 – Биотехнология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сафаров Иброҳим Валиевич

Биодизел олиш учун Ўзбекистоннинг юқори маҳсулдор липид ҳосил қилувчи
микросувўтлари ва уларда ёғ биосинтези регуляцияси.....3

Сафаров Иброҳим Валиевич

Высокопродуктивных липидпродуцирующих микроводорослей Узбекистана и
регуляция биосинтеза масел для получения биодизеля.....22

Safarov Ibrokhim Valievich

Highly productive lipid-producing microalgae of Uzbekistan and regulation of the
biosynthesis of oils for obtaining biodiesel.....42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САФАРОВ ИБРОҲИМ ВАЛИЕВИЧ

**БИОДИЗЕЛЬ ОЛИШ УЧУН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮҚОРИ
МАҲСУЛДОР ЛИПИД ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ МИКРОСУВЎТЛАРИ ВА
УЛАРДА ЁҒ БИОСИНТЕЗИ РЕГУЛЯЦИЯСИ**

03.00.12 – Биотехнология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/В41 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Микробиология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси microbio@academy.uz ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шакиров Заир Саатович
биология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Мирзарахметова Дилбар Тохтамуратовна
техника фанлари доктори

Ибодов Комил
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ботаника институти

Диссертация химояси Микробиология институти ва Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги DSc.27.06.2017.В.38.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «.....» январь куни соат ____ даги мажлисида бўлади. Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти мажлислар зали, 3-қават Тел.:(+99871) 241-92-28, факс:(+99871) 241-92-71; e-mail: microbio@academy.uz.

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 5-қават. Библиотека. Тел.:(+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс:(+99871) 241-92-71.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» куни тарқатилди.

(2019 йил «_____» _____ рақамли реестр баённомаси).

Арипов Тахир Фатихович

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси
б.ф.д., профессор, академик

Жураева Рохила Назаровна

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Гулямова Ташхан Гафуровна

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда энергетиканинг асосий қисми қазиб олинган ёқилғиларга – нефт, кўмир ва газга асосланганлиги сабабли энергия манбаларига бўлган эҳтиёж йил сайин ортиши натижасида уларнинг захиралари камайиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, узоқ вақт давомида барқарор энергия ишлаб чиқаришни таъминлайдиган муқобил қайта тикланадиган энергия манбаларига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Микросувўтлари бошқа ёғ ҳосил қилувчи ўсимликларга, масалан, кунгабоқар, соя, кокос, пахта ва бошқаларга нисбатан бир хил ҳажмдаги ер майдонидан 30 ёки ундан кўп марта кўпроқ ёғ ишлаб чиқариши мумкин. Бундан ташқари, улар деярли ҳамма жойда ўсиши мумкин (сувда, ўрмонда, тоғларда, қорда, илиқ иқлимда) уларнинг яшаши учун сув зарур (оқова ҳатто канализация суви), шу жумладан, кўёш нури, CO₂ ва минерал тузлар талаб қилинади. Шу сабабли, микросувўтларнинг ўсиш шароитларини оптималлаштириш биоёқилғи ишлаб чиқариш учун қайта тикланадиган хом-ашё олишда муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда микросувўтларнинг физиологиясини ва нейтрал липидлар биосинтезини аниқлаш ҳамда лаборатория ва саноатда ушбу организмларни етиштиришда метобализмини бошқариш борасида илмий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада, микросувўтларидан липидлар, витаминлар, антиоксидантлар ва биологик фаол хусусиятларга эга моддаларни олиш, микросувўтларни ўстириш шароитлари оптималлаштириш, фаол штаммларни ажратиш олиш, штаммлар хужайраларида ёғ биосинтези регуляциясини аниқлаш, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган истиқболли штаммларнинг биосинтетик потенциалини ошириш учун фитобиотехнологияларни яратиш, юқори маҳсулдор биомасса ва липид ҳосил қилувчи микросувўтларини ажратиш ва танлаш, улар асосида биодизел ишлаб чиқариш учун уларнинг биотехнологиясини яратиш истиқболли манбалардан ҳисобланади. Шу сабабли, юқори маҳсулдор липид ҳосил қилувчи микросувўтлари ва уларнинг ёғларидан биодизел ишлаб чиқиш муҳим илмий амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда микросувўтларни ўстириш учун катта табиий ресурсларга ва иқлим шароитларига эга, жумладан, қайта тикланувчи ёқилғи, биодизел ва биоэтанол олиш борасида чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, шунингдек юқори миқдорда липид ҳосил қилувчи маҳаллий микросувўтлари штаммларини ажратиш, танлаш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг энергия зичлигини пасайтириш, маҳаллий илмий-техник ишланмаларни мақсадли амалга ошириш ва илғор халқаро энергия тежайдиган технологияларни ўрганиш, амалга ошириш, бу соҳадаги устувор йўналишларни белгилаш¹» вазифалари белгилаб берилган.

Мазкур вазифаларини амалга оширишда, жумладан қайта тикланувчи муқобил энергия манбаи бўлган, липид ҳосил қилувчи микросувўтларини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисида ги Фармони

излаш ва скрининг қилиш, хужайраларида ёғ биосинтези регуляциясини аниқлаш амалий ва экологик муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ 3012-сон «2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чоратадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ЗРУ-539 «Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида» ги Фармони, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ривожланган мамлакатларда хусусан Япония, Исроил, Болгария, Мексика, АКШ, Германия, Россия каби давлатларда микросувўтлари ёғларидан биодизель олиш технологиялари кенг ўрганилган. Бундан ташқари, дунёдаги етакчи илмий марказларда ва университетларда биодизел ишлаб чиқариш учун липид ҳосил қилувчи микросувўтларини танлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, А. Ben-Amotz (2004), Y. Chisti (2008), H.C. Greenwell et al., (2010), J.K. Pittman et al., (2011), D. Sasi et al., (2011), Ronald H. (2012), Соловченко А. Е. (2012), M.J. Barbosa and R.H. Wiffels (2013), Kumar R.R. (2015), С.А. Нагорнов и Ю.В. Мещерякова (2015), E.M. Fakhry and D.M.E.Maghraby (2015), M. Sakarika and M.Kornaros (2016), N. Mallick et al., (2016).

Республикамызда А.М.Музафаров(1970), Х.А.Бердикулов (1980), М.А.Қўчқаров (1990) ларнинг тадқиқотлари дарё алгофлорасини ўрганиш, сув ҳавзаларининг санитар ҳолатини сапранит турларининг кўрсаткичлари билан баҳолаш ишларига бағишланган М.Мурадов (1990), Г.Х.Қодирова (2000) илмий ишлари фаол азотфиксацияловчи кўк-яшил сувўтларини ажратиш ва скрининг қилиш, улар асосида қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун биопрепаратлар яратишга бағишланган. Шунини таъкидлаш керакки, ёғ кислотаси таркиби, стресс омиллари таъсирида липидлар синтези ошиши ва Ўзбекистоннинг юқори самарали микросувўтлари липидларидан биодизел ишлаб чиқариш тўғрисида деярли маълумотлар йўқ.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Микробиология институти илмий-

тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф6-Т328 «Биодизель олиш учун Ўзбекистоннинг липид ҳосил қилувчи юқори маҳсулдор микросувўтлари ва ционабактерияларини излаб топиш ва уларда ёғлар биосинтези регуляцияси» (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари сув наъмуналаридан ажратилган маҳаллий микросувўтлари штаммларининг липидлар синтези потенциалини аниқлаш ва лаборатория шароитида микросувўтлари ёғларидан биодизел олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли экосистемалардан маҳаллий микросувўтларни излаш, ажратиш, уларнинг ўсиши ва ривожланиши, маҳсулдорлиги бўйича танлаб олиш;

микросувўтларининг морфологик–культурал хусусиятларига кўра ва 18S RNA гени бўйича маҳаллий самарадор штаммларини идентификациялаш;

микросувўтларининг ўсиши-ривожланиши ва липидлар ҳосил қилиши учун оптимал шароитларни танлаш;

микросувўтлари хужайраларида ёғ синтези индукциясига стресс омилларнинг (шўрланиш, рН кўрсаткичи, азот танқислиги) таъсирини таҳлил қилиш;

юқори самарадор микросувўтлари ёғ кислоталарининг микдорий ва сифат таркибини аниқлаш;

микросувўтларидан ёғ олишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти турли сув ҳавзаларидан ажратилган маҳаллий *Scenedesmus*, *Chlorococcum*, *Coelastrum*, *Chlamydomonas*, *Ankistrodesmus*, *Chlorella*, *Botryococcus*, *Asterococcus* ва *Pediastrum* авлодига мансуб микросувўтлари штаммлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети юқори маҳсулдор липид ҳосил қилувчи микросувўтлари ва уларнинг биодизел ишлаб чиқаришдаги аҳамиятидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни бажариш жараёнларида биотехнологик, алгологик, микробиологик, физиологик ва кимёвий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг турли сув ҳавзалари сув наъмуналаридан фаол *Chlorella*, *Scenedesmus*, *Ankistrodesmus*, *Chlorococcum*, *Botryococcus*, *Chlamydomonas*, *Pediastrum*, *Coelastrum*, *Stichococcus*, *Asterococca* авлодига мансуб 164 та микросувўтлари штаммлари ажратиб олинган, уларнинг морфологик-культурал хусусиятлари аниқланган;

18S рРНК генлари нуклеотидлари кетма-кетлиги орқали фаол *Scenedesmus quadricauda* UT4, *Scenedesmus armatus* UT39 ва *Ankistrodesmus falcatus* UT20 микросувўтларини идентификация қилинган ва ДНК таҳлиллари асосида уларнинг филогенетик дарахти тузилган;

культураларнинг ёғ кислоталари ва триглицеридлари ИҚХ R_f анализи натижаларига кўра таққосланганда пахта ёғи билан ўхшаш эканлиги ва

хроматография натижасида умумий липидлар таркибида триглицеридлар R_f миқдори устунлик қилиши асосланган;

илк бор спектрохроматографиясига кўра уларнинг таркибида 7-17 тагача ёғ кислота компонентлари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари гексодекан ёки полмитин кислотаси (16:0) 25.0 % дан 39.43 % гача, бундан ташқари сезиларли даражада 5.44 % дан 14.12 % гача стеарин ёки октадекан (18:0) кислоталари, тўйинмаган кислоталар октадецен (18:1) ва альфа-октадекатриен кислоталарининг миқдори 36,64% дан 53,75% гача бўлиши исботланган;

илк бор *Chlorococcum macrostigmatum* UT4 маҳаллий микросувўтлари хужайраси таркибидан қуруқ биомассага нисбатан 59,7% липидлар олинган, липидларни переэтрификациялаш орқали 67,3% биодизел ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий микросувўтларининг *Ch.macrostigmatum* UT4, *Ch.macrostigmatum* UT8, *Scenedesmus* sp.29 ва *Scenedesmus* sp.37, *Chlorella* sp.2, *Scenedesmus armatus* UT39, *Scenedesmus quadricauda* UT4, *Coelastrummicroporum* UT1, *Pediastrum tetras* UT2, *Ankistrodesmusfalcatus* UT20 коллекцияси яратилган;

микросувўтлари штаммлари Республикамизда биодизел ёқилғиси ишлаб чиқариш учун юқори потенциал липид ишлаб чиқарувчи эканлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Экспериментал натижаларни замонавий микробиологик, алгологик, биокимёвий ва молекуляр биологик усуллари ёрдамида олинганлиги, натижаларни қайта ишлаш Стьюдент мезонлари ва Фишер дисперсион таҳлили (ANOVA) ёрдамида статистик ишлов берилганлиги, шунингдек диссертация натижаларининг нашр этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистоннинг турли сув ҳавзалари сув намуналаридан липид ишлаб чиқарувчи маҳаллий микросувўтлари штаммлари ажратилган ва идентификацияланган, уларнинг ёғлари таркибида 7 дан 17 гача ёғ кислоталари мавжудлиги аниқланган, ушбу ёғларнинг 44,84% тўйинган ёғ кислоталари ва 55,16% тўйинмаган ёғ кислоталаридан иборат эканлиги ва уларнинг биодизел ишлаб чиқаришдаги ролини асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий микросувўтлари штаммлари липидлар олиш учун истиқболли объект бўлиб, Республикамизда биодизел ишлаб чиқаришда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Микросувўтларидан юқори миқдорда биомасса ва липидлар олишнинг илмий натижалар асосида:

Ўзбекистоннинг турли сув ҳавзаларидан йиғилган альгологик тоза сувўтлари намуналари А-7-064 “Шўрланган ва пестицидлар билан ифлосланган тупроқларда қишлоқ хўжалик ўсимликларининг ҳосилдорлигини ошириш учун азотни фаол ўзлаштирувчи ва фитогормонлар синтезловчи цианобактериялар асосида биопрепарат яратиш” лойиҳасида сув ҳавзалари ва

тупроқ гидробионтлари қаторида аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 2 майдаги 4/1255-1140-сон маълумотномаси). Натижада сув ҳавзаларида гидробионтлари рўйхати тузишда, уларни экологик хусусиятларини аниқлашга оид маълумотларни таҳлил этиш имконини берган;

юқори даражада биомасса ва липид ҳосил қилувчи *Chlorococcum macrostigmatum* UT4 штамми очик ва ёпиқ тизимли ўстириш ҳавзаларида саноат асосида кўпайтириш орқали хўл биомасса етиштириш амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Муқобил ёқилғи ва энергия корхоналари ассоциациясининг 2018 йил 10 майдаги 494-сон маълумотномаси). Натижада мазкур биомассадан 558 кг куруқ биомасса ҳамда унинг таркибидан 259,4 кг липид ҳосил қилишини аниқлаш имконини берган;

переэтерификация усули орқали 5 литир триглицерид ажратиб олинган ва 20% микдорда дизель ёқилғисига аралаштирилиб «Kingchai - KC168F» маркали сув кўтариш насосининг ишлаш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Муқобил ёқилғи ва энергия корхоналари ассоциациясининг 2018 йил 10 майдаги 494-сон маълумотномаси). Натижада дизель ёқилғисига 20% микдорида фойдаланилганда, иқтисодий самарадорлиги амалдаги дизель ёқилғисидан 2% гача ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 8 таси Ўзбекистон Республикасининг Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан 7 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Қайта тикланадиган муқобил энергия манбалари» деб номланган биринчи бобида микросувўтларининг тарқалиши ва таксономияси, липидлар индукцияси ва биосинтези, биоёқилғи ишлаб чиқаришнинг ўсиш кўрсаткичлари, биомассани қайта ишлаш орқали энергия ишлаб чиқариш технологиялари келтирилган. Микросувўтлари қайта тикланадиган ёқилғи шу жумладан биодизел ва биоэтанол олиш учун манба бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг "Бир хужайрали яшил сув ўтларининг хусусиятларини ўрганиш ва тажриба синовларини ўтказиш усуллари" номли иккинчи бобида тадқиқот ишида ишлатиладиган микросувўтлари, тадқиқот усуллари, асбоблар, жихозлар, алгологик, биотехнологик ва физиолого-кимёвий анализ усуллари келтирилган.

Диссертациянинг "Ўзбекистон худудидаги бир хужайрали яшил сувўтлари" номли учинчи бобида Ўзбекистоннинг минтақаларидан олинган сув манбаларидан ажратилган 164 та микросувўтларининг ўсиш динамикасини ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Уларнинг морфологик-культурал хусусиятларига кўра АК1, АК2, АТ3, АС4 изолятлари *Chlorellaceae* оиласи, *Chlorelloideae* туркумига, *Chlorella* турига мансублигини кўрсатди (1-расм). *Chlorella* авлоди культураларининг хужайралари шарсимон, якка холда учравчи, камдан-кам холларда калония ҳолатида бўлиши аниқланган. *Chlorella* sp 4 хужайрасининг ўлчами 2,5 -10 мкм (1а расм).

ГТ4, ГС8, ГС10, ГС11, ГК19, ГК20 изолятлари хужайрасининг таксономик тадқиқоти *Chlorococcaceae* оиласи, *Chlorococcum* турига мансублигини кўрсатди. Микросувўтлари хужайраси битта, шарсимондан эллипссимонгача баъзан, намолум шаклдаги колония ҳосил қилади. *Chlorococcum* ГТ4 морфологик-культурал хусусиятларига кўра *Chlorococcum macrostigmatum* УТ4. авлодига тегишли эканлиги аниқланди.


Морфологик белгиларига кўра БТ4, БН7, БК18, БК25, БТ29, БТ39, БС40 *Scenedesmaceae* оиласига, *Scenedesmoideae* туркумига, *Scenedesmus* авлодига киради. *Scenedesmus* авлоди культуралари, тўғри ёки озгина қайрилган, бир ёки икки қаторли 2, 4, 8, 16 2, 4, 8, 16, баъзан эса 32 хужайралардан ташқил топган, бир-бирига нисбатан параллель ёки кетма-кет уланган, умумий морфологик параметрларига кўра БТ 39 изоляти *Scenedesmus armatus* УТ39 турига мансуб эканлиги аниқланди (1д-расм).

Микросувўтларининг ВК2, ВТ7, ВС15, ВТ20 изолятлари *Ankistrodesmaceae* оиласи, *Ankistrodesmoideae* туркуми, *Ankistrodesmus* авлодига мансуб эканлиги аниқланди. *Ankistrodesmus* авлоди колониялари турли хил тароксимон, кўпинча марказий қисми билан бирлашган, камдан-кам холатларда бир хужайрали, баъзан якқол кўринмайди. Хужайралари чўзилган, тўғри ёки бурама, урчуксимон, игнасимон ва цилиндрсимонгача оз-моз қайрилган, учлари аста секин ингичкалашади ва найзасимон бўлади. ВТ 20 изоляти *Ankistrodesmus falcatus* УТ20 авлодига мансуб эканлиги аниқланди


(1ё-расм). Культураларнинг колониялари 2-4 хужайрадан иборат. Хужайралар ўлчами 22 - 62 x 1,2 - 4,3 мкм.

Бундан ташқари, маҳаллий самарадор микросувўтлари *S. quadricauda* UT4, *S. armatus* UT39, *A. falcatus* UT20, штаммларининг таксономик ҳолатини тасдиқлаш учун биз 18S rRNA гени асосида идентификация қилдик. Олинган натижалар асосида ўрганилаётган микросувўтларининг филогенетик дарахти яратилди (2-расм).

Шундай қилиб, биринчи марта *Senedesmus*, *Chlorococcum*, *Coelastrum*, *Chlamydomonas*, *Ankistrodesmus*, *Chlorella*, *Botryococcus*, *Asterococcus* ва *Pediastrum* авлодининг маҳаллий маҳсулдор микросувўтлари штаммлари Ўзбекистоннинг турли сув наъмуналаридан ажратиб олинди. **Тўртинчи бобда** «маҳаллий микросувўтларнинг ўсиш ва ривожланиш шароитларини оптималлаштириш» ҳарорат, рН, CO₂, ва ёруғлик интенсивлигининг шунингдек, азотли тузларнинг концентрациялари микросувўтларининг ўсиши ва ривожланишига таъсир кўрсатади.



1-расм. Маҳаллий фаол микросувўтлари штаммларининг ёруғлик микроскопияси (а) *Chlorella* sp.4, (б) *Chlorococcum macrostigmatum* UT4, (в) *Ch. macrostigmatum* UT8, (с) *Chlamydomonas reinhardtii* UT5, (д) *Scenedesmus armatus* UT39, (е) *Scenedesmus quadricauda* UT4, (ё) *Ankistrodesmus falcatus* UT20, (ж) *Ankistrodesmus angustus* UT15, (з) *Coelastrum microporum* UT4, (и) *Botryococcus* sp.14, (й) *Pediastrum tetias* UT1, (к) *Stichococcus bacillaris* UT1




2-расм.18S рРНК гени тадқиқотлари натижаларига асосланган бир хужайрали микросувўтларининг шажара дарахти: а-*Scenedesmus armatus* UT39, б-*Anristrodesmus falcatus* UT20, в-*Scenedesmus quadricauda* UT4.

Микросувўтларининг ўсиши-ривожланиши, биомасса ва липид ҳосил қилиши маҳсулдорлигига ҳароратнинг таъсирини ўрганиш учун маҳаллий микросувўтлари штаммлари «Чу-13» суюқ озуқа мухитида ўстирилди. Тадқиқот натижасида *Ch. macrostigmatum* UT4, штамми 28°C да юқори миқдорда биомасса (1,65-2,78 г/л) ва липид (41,8- 57,6%) ҳосил қилиши, *S. quadricauda* UT4, микросувўти штамми 26°C да 128 - 2,294 г/л биомасса ҳосил қилиши аниқланди.

Бундан ташқари, рН кўрсаткичлари, карбонат ангидрид (CO₂) концентрацияси ва ёруғлик интенсивлиги (1500 Люкс, 3000 Люкс, 4500 Люкс,) таъсирини ўрганилганда, микросувўтлари рН-7,0, 2% CO₂ да кўп миқдорда биомасса ва липид ҳосил қилиши аниқланди. 4500 Люкс ёруғликда азотнинг (KNO₃) оптимал концентрациясини аниқлаш учун 14 кун давомида таркибида 0,1%, 0,3%, 0,5% KNO₃ бўлган «Чу-13» озуқа мухитида микросувўтлари ўстирилганда. Уларнинг интенсив ўсиши ва хужайраларида липидларнинг тўпланиши учун азот 0,1% эканлиги аниқланди.

Шуни такидлаш керакки, *Chlorococcum macrostigmatum* UT4 культураларида ёғлар синтезиюқори маҳсулдорлиги 30 кун давомида оптимал шароитларда ўстирилган кузатилди. Ёруғлик микроскопидакузатилганда культураларнинг хужайралари тўқ сариқ рангда эканлиги кузатилди, хужайралар майдаланганда ёғлар эмулсия кўринишида пайдо бўлди (3-расм).



3-расм *Chlorococcum macrostigmatum* UT4 микросувўтининг ёруғлик микроскопияси (а), бўш қобик (б) ва хужайрадаги ёғ томчилари (в).

Диссертациянинг бешинчи «бобида стресс омиллар таъсирида микросувўтлар хужайрасида ёғ синтези регуляцияси», стресс шароитларда (азот танқислиги, шўрланиш, pH кўрсаткичлари) инкубация қилиш орқали ёғлар миқдорини ошириш имкониятлари ўрганилди.

Тадқиқот жараёнларида *Ch. Macrostigmatum* UT4, *S. quadricauda* UT4, *S.armatus* UT39 ва *A. falcatus* UT20 микросувўтлари «Чу-13» мухитида 7 кун давомида оптимал шароитларда ўстирилди. Ушбу культуралар азотсиз мухитга ўтказилиб, 72 соат давомида инкубация қилинди. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, *Ch.macrostigmatum* UT4 хужайраларида липид ҳосил бўлишининг максимал даражаси 60 соат инкубация қилинган вақтда аниқланди ва қуруқ биомассанинг 59% ни ташкил қилди (4а расм).


Тадқиқотнинг кейинги босқичида шўрланиш шароитининг микросувўтларида липид синтезининг индукциясига таъсири ўрганилди. Ўрганилаётган культуралар 400 ва 600 mM натрий хлоридли озуқа мухитида ўртача 20 соат давомида инкубация қилинди. Максимал ёғ синтези культураларни шўрланиш шароитида 16 соат давомида инкубация қилинганда 400 mM NaCl да 38% дан 54% гача, 600 mM NaCl бўлган озуқа мухитида қуруқ биомассанинг 42% дан 64% гача (4б,в-расм) ёғ ҳосил бўлиши кузатилди.

Бундан ташқари, ўрганилаётган культураларни pH 4.0 ва pH 9.0 бўлган шароитда инкубация қилиш жараёнида, культураларни pH 4.0 бўлган шароитда 18 соат инкубация қилинганда липид синтези кучайганлиги аниқланди (4д-расм). Культуралар pH 9.0 га тенг бўлган стресс шароитда инкубация қилинганда липид синтези ортмаганлиги кузатилди (4е-расм).

Микросувўтларнинг хужайраларида липид ҳосил бўлишини фаоллаштириш учун биз бир вақтнинг ўзида икки хил стресс омилнинг таъсирини ўргандик шўрланиш (600 mM NaCl) ва pH 4.0 бўлган шароитда культуралар 20 соат давомида инкубация қилинди, барча ўрганилаётган культуралар учун 12 соатлик инкубация даврида липид синтезининг индукцияси кузатилди. Икки хил стресс омилнинг таъсирида *Ch.Macrostigmatum* UT4 штаммида липидларнинг максимал ҳосил бўлиши азот танқислиги, шўрланиш, pH кўрсаткичлари каби бошқа стресс омилларига


караганда анча юқори миқдорда бўлиши ва куруқ массанинг 72 %ни ташкил этиши кузатилди (4е-расм).

Шуни такидлаш керакки, ТАГ ҳосил бўлиши учун стресс шароитлари қулай саналади. Улар ҳужайра бўлинишига тўсқинлик қилади ва культуралар кўпайишини секинлаштиради, Ушбу муоммани ҳал қилишнинг мақбул усулларида бири бу иккита жараёнга бўлишдир: 1-босқич – юқори биомасса олишни таъминлайдиган тўлиқ озукавий муҳитда биомассанинг ҳосил бўлиши ва ўстириш шароитлари. 2-босқич-минерал озика элементларининг етишмаслиги натижасида юзага келган стресс шароитида нейтрал липидлар (ТАГ) синтезини кучайтириш учун ҳосил бўлган биомассанинг конверсиясини амалга ошириш зарур.



4-расм.стресс шароитларда инкубация қилинганда ёғлар миқдори: а) азотсиз озукa муҳитида, б) вақт оралиғида 400 mMNaCl ли шўрланишда в)вақт оралиғида 600 mMNaCl ли шўрланишда, г) pH-4.0 бўлган стресс шароитда микросувўтларининг вақт оралиғида липид ҳосил қилиши, д) pH-4.0 бўлган стресс шароитда микросувўтларининг вақт оралиғида липид ҳосил қилиши, е) маҳаллий микросувўтларининг икки хил стресс шароитининг (pH-4,0 + 600mMNaCl) бир вақтда таъсирида вақт оралиғида липид ҳосил қилиши.

ва сифат таркиби, культураларни турли хил фотобиореакторларда ўстириш ва лаборатория шароитида микросувўтларининг липидларидан биодизел олиш тўғрисида маълумотлар келтирилган. *Ch. macrostigmatum* UT4, *Ch. macrostigmatum* UT8, *Chlorococcum* sp.39, *S.armatus* UT39, *S. quadricauda* UT4, *C.reinhardtii* UT11, *A. falcatus* UT20, *C.microporum* UT1 микросувўтлари культуралари штаммларининг липидлар таркиби юпқа қатламли хроматографияси ўрганилгандахроматография натижаларига кўра микросувўтлар ва пахта ёғи моноглециридлари бир хил (масофада) R_f да жойлашган бўлиб 15 мм ташкил қилди, диглициридлар ва триглицеридлари эса мос равишда 25 мм ва 45 мм ташкил қилди. Шундай қилиб, культураларнинг липидлари R_f юпқа қатламли хроматографик қиёсий таҳлили пахта ёғи R_f билан ўхшашлигини кўрсатди (5-расм).



5-расм. маҳаллий микросувўтларининг липидларининг юпқа қатламли хроматографияси: К – пахта ёғи, 1- *Ch. macrostigmatum* UT4, 2- *Ch. macrostigmatum* UT8, 3-*Chlorococcum* sp.39, 4- *S. armatus* UT39, 5-*S. quadricauda* UT4, 6- *Chlamydomonas reinhardtii* UT11, 7-*Ank. falcatus* UT20, 8- *Coelastrum microporum* UT1.

Бундан ташқари, маҳаллий микросувўтларининг ёғ кислоталар таркибини ўрганиш жараёнида *Chlorococcum macrostigmatum* UT4, *Chlorococcum macrostigmatum* UT8, *Scenedesmus acutus* UT1, *Scenedesmus quadricauda* UT4 15 та компонентдан иборат эканлиги аниқланди. Уларнинг асосий қисми пальмитин кислотаси (16:0) 25.0 % дан 39.43 % гача, стеарин кислотаси (18:0) ҳам сезиларли даражадакўп эканлиги 5.44 % дан 14.12% гача бўлиши аниқланди. Тўйинмаган ёғ кислоталари орасида октадецен (18:1)+альфа-октадекатриенкислоталари миқдори устунлик қилади ва 36.64% дан 53.75% гача, *Chlorococcum macrostigmatum* UT8 култураларида линолеин кислотасининг (18:2) улиши энг кам миқдорда бўлиши аниқланди (1-жадвал).

14 кун ўстирилган микросувўтларининг ёғ кислоталарининг сифат ва миқдорий таркиби

Микросувўтлари Ёғ кислоталари	<i>Ch. macrostigmatum</i> UT4, %	<i>Ch. Macrostigmatum</i> UT8, %	<i>Scenedesmus armatus</i> UT39, %	<i>Scenedesmus quadricauda</i> UT4,%
Додеканкислотаси 12:0	1,05	0,73	0,26	-
Тетрадекан кислотаси 14:0	2,21	1,75	0,75	1,48
Пентадекан кислотаси 15:0	0,60	0,58	0,23	-
Гексадецен кислотаси 16:1	29,81	33,05	25,00	39,43
Пальмитин кислотаси 16:0	0,56	0,77	0,31	-
Гептадекан кислотаси 17:0	9,75	14,12	6,28	5,44
γ- октадекатриен кислотаси 18:3	0,63	0,93	0,35	0,56
Стеаридон кислотаси 18:4	0,23	0,37	Сл.	-
Линолейн кислотаси 18:2	0,59	0,27	Сл.	-
Олеин, α- линолен кислотаси 18:1, 18:3	41,87	36,64	53,75	38,86
Стеарин кислотаси 18:0	11,23	9,24	10,82	11,57
Эйкозен кислотаси 20:1	0,32	0,24	0,56	0,63
Эйкозан кислотаси 20:0	0,59	0,43	0,81	1,28
Докозан кислотаси 22:0	0,56	0,88	0,88	0,75
∑ тўйинган ЁК	44,84	52,3	33,18	46,91
∑ тўйинмаган ЁК	55,16	47,7	66,82	53,09

Микросувўтлар ёғ кислоталари сифати ва миқдорини вақтига нибатан боғлиқлигини аниқлаш учун *Scenedesmus quadricauda* UT4 ва *Scenedesmus armatus* UT39; 14, 21 ва 30 кун давомида ўстирилди. Вақт оралиғида 14, 21 ва 30 кун ўстириш *Scenedesmus armatus* UT39 культурасининг ёғ кислоталари сифат таркибига сезиларли таъсир кўрсатмаслиги аниқланди. Вақт оралиғида ўстириш *Scenedesmus quadricauda* UT4 ва *Scenedesmus armatus* UT39 культураларининг липидлари сифат таркибига жиддий таъсир кўрсатмаслиги, ёғ кислоталари таркибидаги миқдорий ўзгаришлар аниқланди. 2-жадвалдан кўриниб турибдики, 14 кун давомида ўстирилган *Scenedesmus quadricauda* UT4 культурасининг таркибидаги тўйинган ёғ кислоталарининг умумий миқдори 41,13%, 30 кун ўстирилганда 47,92%, яъни тўйинмаган ёғларнинг умумий миқдори 6,8% га кўпайди, тўйинган ёғ кислоталари умумий миқдори 6,8% га камайди.

Микросувўтлари ёғ кислоталарининг сифат ва миқдорий таркиби вақтга боғлиқлиги

Микросувўтлари Ёғ кислоталари	<i>Scenedesmus quadricauda</i> , UT4, %			<i>Scenedesmus armatus</i> UT39, %		
	14кун	21кун	30 кун	14 кун	21кун	30 кун
Додеканкислотаси 12:0	0,59	0,32	0,38	0,33	0,26	0,24
Тетрадекан кислотаси 14:0	1,67	2,05	2,49	0,91	0,84	0,95
Пентадекан кислотаси 15:0	0,50	0,57	0,54	0,33	0,30	0,28
Гексадецен кислотаси 16:1	0,46	0,22	0,53	0,40	0,35	0,35
Пальмитин кислотаси 16:0	32,40	33,46	35,79	30,82	30,42	30,08
Гептадекан кислотаси 17:0	0,33	0,35	0,43	0,33	0,32	0,35
γ- октадекатриен кислотаси 18:3	1,74	1,28	0,44	3,11	3,37	2,47
Стеаридон кислотаси 18:4	2,48	2,81	0,67	2,21	2,76	2,69
Линолейн кислотаси 18:2	13,87	11,76	8,09	17,26	16,68	15,79
Олеин α- линолен кислотаси 18:1, 18:3	39,61	39,75	41,68	40,10	40,54	42,06
Стеарин кислотаси 18:0	5,64	1,23	7,48	3,54	3,67	3,88
Эйкозен кислотаси 20:1	0,71	0,86	0,67	0,39	0,49	0,51
Эйкозан кислотаси 20:0	-	0,34	0,43	0,27	-	0,35
Докозан кислотаси 22:0	-	-	0,38	-	-	-
∑тўйинган ЁК	41,13	45,32	47,92	36,53	35,81	36,13
∑тўйинмаган ЁК	58,87	54,68	52,08	63,47	64,19	63,87

Шундай қилиб, олинган натижаларга кўра, микросувўтларининг ўсиши, биодизел ишлаб чиқариш учун микросувўтларининг биологик потенциалидан максимал даражада фойдаланиш учун уларни самарали ўстириш усулларини излаш керак. Табiiй ёруғлик шароитида микросувўтларини ўстириш сунбiiй ўстиришга қараганда анча тежамкор эканлиги маълум.

Кейинги тадқиқотларимизнинг мақсади лаборатория шароитида юқори миқдорда липид ҳосил қилувчи микросувўтларини кўп миқдорда ўстириш учун мақбул шароитларни аниқлаш учун самарадор *Ch.macrostigmatum* UT4 штамми 20л шиша балонларда ва шаффоф эластик шлангдан (диаметри 2 см, узунлиги 40 м) фотобиореактор тайёрланди.


Маҳаллий *Ch.macrostigmatum* UT4 микросувўти штамми 20 л шиша балонларда ўстириш жараёнида тажрибалар қуйдаги стандарт шароитларда ўтказилди:

- 1) инокулянт умумий суспензиянинг 20 % ни ташкил этди;
- 2) pH = 6,8;

3) барча тажрибалар учун суспензия 1% карбонат ангидрид ва ҳаво аралашмасида чайқатилиб, 4000 люкс ёруғлик билан таъминланди;

4) ёритиш 24 соат бўлган.

Ch. macrostigmatum UT4 20 л шиша балонларда 14 кун ўстирилганда қуруқ биомасса 2,285 г/л ни ташкил қилди ва ушбу қуруқ биомассанинг 48,1% ини липидлар ташкил этди. Ушбу культурани лаборатория шароитида 10л фотобиореакторда ўстирилганда деярли шунга ўхшаш натижалар олинди (6б-расм). яъни, қуруқ биомасса 1,234 г/л, липидларнинг ҳосил бўлиши 45,6 % ни ташкил этди.



6-расм. *Ch. macrostigmatum* UT4 микросувўтини 14 кун давомида ўстириш: а) бутил, б) фотобиореактор, в) очик сув хавзаси, г) микросувўтларининг қуруқ биомассаси.

Маҳаллий микросувўтларини биз таклиф қилган айланма трубади фотобиореакторда (6б-расм) ўстириш учун қулай шароитлар танланди: калий нитрат концентрацияси 0,1% бўлган “Чу-13” озуқа муҳитида, 28-30 °С ҳароратда, карбонат ангидрид миқдори 1%, ёруғлик 4000 - 4500 люкс шароитда олиб борилди.

Очиқ латокда *S. armatus* UT39 ўстирилганда (6в-расм) ҳўл биомасса миқдори 3г/л, липидлар миқдори – 32,5% ни ташкил этган бўлса, ушбу штамм фотобиореакторда (20 л бутилларда) ўстирилганда ҳўл биомасса 8,2г/л, липидлар миқдори 33,8% ни ташкил этди.

Шундай қилиб, *S. armatus* UT39 культураси икки хил шароитда ўстирилганда, яъни очик сув ҳавзасида ўстирилганда ёғ миқдори фотобиореакторда ўстирилганга нисбатан 1,3% кам эканлиги аниқланди. Шунга ўхшаш натижалар, *Ch. macrostigmatum* UT4 культурасини ўстиришда ҳам кузатилди яъни, очик сув ҳавзасида ўстирилганда ёғ миқдори 0,5% га камайди. Олинган маълумотларга асосланиб, микросувўтларини очик сув ҳавзасида ўстирилганда биомасса миқдори камайиши аммо, липидлар ҳосил бўлиши 20 л бутилларда ўстирилган шароитдаги билан бир хил бўлади, деган хулосага келиш мумкин.

Кўп миқдорда биомасса ва липидлар олиш учун *Chlorococcum macrostigmatum* UT4 микросувўти лаборатория шароитида 200 литр ҳажмда фотобиореакторда ўстирилди. Ушбу штамми ўстириш жараёнида сарфланган харажатларни ҳисоблаганимизда: минерал моддалар - 0,106 кг (4367 со'м), сув - 200 л (98 сўм), электрэнергияси - 9,24 кВт (2112,3 сўм) бўлиши аниқланди (3-жадвал). Умумий харажатлар - 6577,3 сўм. Олинган маҳсулот: ҳўл биомасса - 1,599 кг, қуруқ биомасса - 0,457 кг. Умумий ёғ миқдори - 0,272 кгни ташкил этди. Шундай ҳолатда, лаборатория шароитида олинган 1 кг ёғ таннари - 24110,3 сўм бўлиши аниқланди. Ушбу штамми очик латокда ўстириш учун умумий ҳажми 40м³ (узунлиги - 20 м, эни - 4 м, чуқурлиги - 0,5 м), 120 кг ҳўл биомасса (34,2 кг қуруқ биомасса) олинди. Ушбу жараён учун сарфланган харажатлар: минерал моддалар миқдори - 8,810 кг (36335,78 сўм), сув - 40 м³ (9800 сўм), электр энергияси - 60,4 кВт (13808 сўм), иш ҳақи «меҳнатга ҳақ тўлашнинг тарифсиз тизими» га асосан, (тамонларнинг ўзаро келишган ҳолда «ишбай» ҳақ тўлаш) 72 196 сўм. Шундай ҳолатда, умумий харажатлар, 132139,78 сўмни ташкил этди. Натижада микросувўтларидан олинган 1 кг ёғнинг таннари 6477, 440 сўмни ташкил этди.

3-жадвал

Микросувўтлари асосида ёғ олиш тажриба-ишлаб чиқаришнинг иқтисодий регламенти

Кўрсаткич-лар	Ўлчов бирлиги	фотобиореакторда (20 л шиша балонлар) ўстириш	Сарф харажатлар сўм	Микросувўтларни очик латокларда ўстириш	Сарф харажатлар, сўм
Минерал моддалар	кг	0,106	4367	88,1	36335,78
сув сарфи	л	200	98	40 000	9 800
Электрэнергия	кВт	9,24	2112,3	60,4	13 808
Иш ҳақи	сўм	-	-	-	72 196
Жами:	сўм	-	6577,3	-	132139,78
Ҳўл биомасса	кг	1,599	-	120	-
Қуруқ биомасса	кг	0,457	-	34,2	132139,78
Умумий ёғ миқдори	кг	0,272	6577,3	20,4 (назарий)	-
Ёғ	кг	1	24 110,3	1(назарий)	6477,440

Ёғ ҳосил қилувчи юксак ўсимликларнинг ҳосилдорлиги билан таққосланганда, бир вегетация даврида қуйдагича: пахта - 366,2 кг/га, кунгабоқар - 800 кг/га, соя - 374 кг/га, рапс - 1100 кг/га ва бир вегетация даврида (8 ой) микросувўтлари - 8160 кг/га. Халқаро валюта фонди

маълумотларига кўра 1000 литр кунгабоқар ёғининг нархи - 794 \$ (AQSh), соя ёғи- 855 \$ (AQSh), рапс ёғи - 829 \$ (4-жадвал). Микросувўтларидан ёғ олишнинг иқтисодий самарадорлиги юксак ўсимликларнинг ёғлари таннархи билан таққосланганда соя, бундан кунгабоқар ва рапс мойларидан анча арзонлиги аниқланди. Бундан ташқари, микросувўтларнинг ишлаб чиқаришдаги афзаллиги- липид миқдорининг юқорилиги, жадал ўсиш тезлиги, биосинтезнинг бошқарилиш имконияти ва фотобиореакторлар ҳамда очиқ сув ҳавасида ўстириш шароитларининг мавжудлигидир.

4-жадвал

Микросувўтлари асосида ёғ олиш тажриба-ишлаб чиқаришнинг қиёсий регламенти

Микросувўтлари			Пахта	Кунгабоқар	Соя	Рапс
Кўрсаткичлар	Ўлчов бирликлари	Тажриба 15 кун				
Микросувўтлар суспензияси миқдори	литр	40000	-	-	-	-
Қуруқ биомасса	кг	34,2	-	-	-	-
Ёғ	кг	20,4	-	-	-	-
Умумий харажатлар	сўм	132139,78	-	-	-	-
Ёғ бир мавсумда кг/гектар	кг	8160	366,2	800	374	1100
1 тонна ёғ	сўм	781\$ 6 477440	858 \$ 7 114280	794 \$ Февраль	855 \$ Февраль	829 \$ Февраль
1 кг ёғ	сўм	6477,440	7114,28	6578,60	7084	6868,5

Шундай қилиб, олинган натижалар йиғиндисига асосланиб, юқори маҳсулдор маҳаллий микросувўтлари штаммларини ажратиб олдик ва идентификация қилдик. Чунки, идентификация тоза культураларни олиш учун зарур бўлган жараён бўлиб, биодизел ишлаб чиқариш учун микросувўтларининг юқори потенциалли штаммларини танлаш йўлидаги биринчи қадамдир. Юқори миқдорда биомасса ва липид олиш учун ўстириш шароитлари оптималлаштирилди, культураларнинг ёғ кислоталарининг миқдорий ва сифат таркиби аниқланди, микросувўтларида липид синтезининг индукцияси турли услубий ёндашувлар; жумладан азот танқислиги, шўрланиш ва рН ни ўз ичига олган ҳолда ўрганилди.

ХУЛОСА

«Биодизель олиш учун Ўзбекистоннинг юқори маҳсулдор липид ҳосил қилувчи микросувўтлари ва уларда ёғ биосинтези регуляцияси» мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйдаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўзбекистоннинг турли минтақаларидан *Chlorella*, *Scenedesmus*, *Ankistrodesmus*, *Chlorococcum*, *Botruococcus*, *Chlamydomonas*, *Pediastrum*, *Coelastrum*, *Stichococcus*, *Asterococcus* авлодига мансуб маҳаллий микросувўтлари энг фаол штаммлари танлаб олинди.
2. Юқори самарадор штаммлар *Chlorococcum macrostigmatum* UT4, *Chlorococcum macrostigmatum* UT8, *Scenedesmus armatus* UT39, *Scenedesmus quadricauda* UT4, *Ankistrodesmus falcatus* UT20 морфологик-культурал хусусиятларига кўра ва 18S рРНК гени асосида тур доирасигача аниқлаш билан изоҳланади.
3. Миҳаллий микросувўтлар штаммларини Chu-13 озуқа муҳитида ўстириш учун оптимал шароитлар аниқланди: ҳарорат 26-28°C, CO₂ – 2 %, ёруғлик - 4500 люкс ва рН 7,0. Ушбу шароитларда микросувўтлар максимал биомасса ва липидлар ҳосил бўлишини намоён қилди.
4. Илк бор самарали микросувўтларида липид синтези индукцияси стресс омиллари: азот танқислиги, шўрланиш ва рН таъсири натижасида аниқланганда, липидларнинг максимал ҳосил бўлиши бир вақтнинг ўзида иккита стресс омиллари, яъни шўрланиш (600 mM NaCl) ва рН 4,0 бўлган шароитда *Ch. macrostigmatum* UT4 қуруқ биомассасининг 72% ни ёғ ташкил қилади.
5. Илк бор самарали маҳаллий микросувўтлари *Chlorococcum macrostigmatum* UT4, *Chlorococcum macrostigmatum* UT8, *Scenedesmus armatus* UT39, *Scenedesmus quadricauda* UT4, *Ankistrodesmus falcatus* UT20 ёғ кислоталари спектри аниқланди, уларнинг тўйинган ёғ кислоталарининг асосий қисми пальмитин кислотаси (16:0) 25,0 % дан 43% гача ва стеарин (18:0) 5,44 % дан 14,12 % гача, шунингдек, барча наъмуналар таркибида биологик фаол тўйинмаган ёғ кислоталари мавжуд: 18:3 ω 6 – гамма линолен ва 18:4 ω 3 – стеаридон кислотаси ҳамда тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталарининг умумий миқдори мос равишда 33,18% дан 46,91% ни ва 47,7% дан 66,82% гача қайд этилади.
6. *Chlorococcum macrostigmatum* UT4 ни ҳажми 40 м³ бўлган очик латокда (ҳавуз) ўстирилганда, умумий харажатлар 132 139,78 сўм, 1 кг ёғнинг таннарихи 6477,440 сўмни ташкил қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.В.38.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИКРОБИОЛОГИИ
И НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ИНСТИТУТ МИКРОБИОЛОГИИ

САФАРОВ ИБРОҲИМ ВАЛИЕВИЧ

**ВЫСОКОПРОДУКТИВНЫЕ ЛИПИД-ПРОДУЦИРУЮЩИЕ
МИКРОВОДОРОСЛИ УЗБЕКИСТАНА И РЕГУЛЯЦИЯ БИОСИНТЕЗА
МАСЕЛ ДЛЯ ПОЛУЧЕНИЯ БИОДИЗЕЛЯ**

03.00.12 – Биотехнология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.1.PhD/В41

Диссертация выполнена в Институте микробиологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (microbio@academy.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Шакиров Заир Саатович**
доктор биологических наук

Официальные оппоненты: **Мирзарахметова Дилбар Тохтамуратовна**
доктор технических наук

Ибодов Комил
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация: **Институт Ботаники**

Защита диссертации состоится «_____» января 2020 года в 10:00 часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.В.38.01 при Институте микробиологии и Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100128, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А.Кадырий 7б, конференц-зал института микробиологии. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, e-mail: microbio@academy.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института микробиологии (зарегистровано под № _____). Адрес: 100128, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А. Кадырий 7б, Административное здание Института микробиологии, 5-й этаж, библиотека Института микробиологии. Тел.: (+99871) 241-71-98.

Автореферат диссертации разослан: «_____» 2019 г.
(реестр протокола рассылки № от «_____» 2019).

Арипов Тахир Фатихович
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор, академик

Жураева Рохилия Назаровна
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, к.б.н. старший научный сотрудник

Гулямова Тошхан Гофуровна
Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Мировая энергетика в большой степени зависит от ископаемых энергоресурсов – нефти, угля и газа. Потребность в данных энергоносителях с каждым годом все возрастает, а их запасы уменьшаются. В связи с этим, возрос интерес к альтернативным возобновляемым источникам энергии, способным обеспечить стабильное производство энергии в течение долгого периода времени. Микроводоросли могут быть источником для получения возобновляемого топлива, включая биодизельное топливо и биоэтанол. Микроводоросли могут производить в 30 и более раз больше масла на единицу площади земли, чем другие масличные культуры (подсолнечник, соя, рапс, кукуруза, кокос, хлопчатник и др). Кроме того, они могут расти практически везде (в воде, в лесу, в горах, на снегу, в теплом и холодном климате) – для их поддержания требуется вода (включая сточные воды), солнечный свет, CO₂ и минеральные соли. Соответственно, выделение, и отбор наиболее высокопродуктивных по накоплению биомассы и липидов микроводорослей, а также создание на их основе биотехнологии получения биодизеля, является наиболее актуальной проблемой.

В мире исследования физиологии биосинтеза нейтральных липидов у микроводорослей позволяет управлять метаболизмом этих организмов при лабораторном и промышленном культивировании. Это имеет решающее значение для раскрытия биосинтетического потенциала перспективных штаммов-продуцентов, применяемых в разработке фотобиотехнологий для получения из микроводорослей липидов, витаминов, антиоксидантов и биологически активных веществ и др., определение регуляции биосинтеза масел в клетках, а также выделение и отбор высокопродуктивных липид-продуцирующих местных штаммов микроводорослей требует создания биотехнологии получения биодизеля.

Республика располагает богатыми природными ресурсами и климатическими условиями для выращивания микроводорослей, в том числе, особое внимание уделяется производству, разработке и внедрению в практику возобновляемого топлива, биодизеля и биоэтанола, а также получены определенные результаты по выделению и отбору высоко липид продуцирующих местных штаммов микроводорослей. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены задачи «...расширения использования возобновляемых источников энергии, сокращения энергоемкости производства, целевого внедрения в практику отечественных научно-технических разработок и исследований передовых апробированных международных энергосберегающих технологий, реализации приоритетных направлений в этой сфере¹». Исходя из поставленных задач,

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «Стратегия действий по пяти приоритетам дальнейшего развития Республики Узбекистан»

включая поиск и скрининг липид образующих микроводорослей, являющихся альтернативным источником возобновляемой энергии, определение регуляции биосинтеза масел в их клетках имеет практическое и экологическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», и Распоряжением Президента Республики Узбекистан №3012 от 26 мая 2017 года «О программе мер по повышению энергоэффективности, развитию возобновляемых источников энергии, экономики и социальной сферы в 2017 - 2021 годы», Указом Президента Республики Узбекистан ЗРУ 539 от 21 мая 2019 года Республики Узбекистан «Об использовании возобновляемых источников энергии», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики –V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. В развитых странах, таких как Япония, Израиль, Болгария, Мексика, США, Германия, Россия широко изучаются технологии получения биодизеля из масел микроводорослей. Кроме этого, в ведущих научных центрах и университетах мира проводятся исследования по отбору липид продуцирующих микроводорослей для получения биодизеля. В частности, А. Ben-Amotz (2004), Y. Chisti (2008), Н.С. Greenwell et al., (2010), J.K. Pittman et al., (2011), D. Sasi et al., (2011), Ronald H. (2012), Соловченко А. Е. (2012), M.J. Barbosa and R.H. Wiffels (2013), Kumar R.R. (2015), С.А. Нагорнов и Ю.В. Мещерякова (2015), E.M. Fakhry and D.M.E.Maghraby (2015), M. Sakarika and M.Kornaros (2016), N. Mallick et al., (2016).

